





Киска сатрларда

Минг хонадон қувончи

Кумўрғон туманининг мингдан ортук оила истикомат қиладиган Арслонбойли, Очамойли маҳаллалари 8,5 километр узунликда қувур тортиб келиниб газ билан таъминланди.

Маҳаллалар фаоллари ташаббуси билан бошланган бу ишни Термиз «ҚМ-5» маъсуляти чекланган жамияти ишчилари низоюсига етказдилар, — дейди Жарқўрғон газ таъминоти идораси бош муҳандиси Раҳимжол Маматқулов.

Қўшимча даромад манбаи

«Шўри дон маҳсулотлари» хиссадорлик жамиятида кейинги икки йил ичида салкам 150 та янги иш ўрни яратилди. Бу шўрна одамга қўшимча даромад олиш имконини берди. Ишчилар айна кунларда урни қадқоқлаш қоплари, макарон, кийим-кечаклар ишлаб чиқаришмоқда.

Утган йилни ҳамма 468733 минг сўм даромад билан янгулаган эди. Бу йил ана шу кўрсаткиччи бир ярим баравар ошириш қўзда тутилган.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тасвирларга қўчган ришталар

Жиззах вилояти Маънавият тарбият марказида республика Баянлимидал маданият маркази ташкил этилганлигининг 15 йиллигига эътибор билан кўрғазмага ўтказилди. Мазкур кўрғазмага бир катор расмларнинг юртимиздаги миллатлараро тутовлик бағрикенглик, барча халқ ва элларнинг тенг ҳуқуқлиги каби навузларда яратган сара асарлари тақдим этилган.

Кўрғазма иштирокчилари, шунингдек, республикада яшаватган 130 дан зиёд турли миллат ва элларнинг тинч, осуда ҳаётини акс эттирган фильмни томоша қилдилар.

Баҳрадин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мухтарам Президентимиз 9 Май куни мамлакат пойтахтидаги Хотира майдонида таъкидлаганларидек, «Айни кучга тўлган минглаб йигитларнинг қурбон бўлгани, ногиронлик азобини тортганини тасаввур қилишнинг ўзиёқ ҳар қандай инсон қалбини ларзага келтиради, юракларни изтиробга тўлдиради».

БУ ОЛАМНИНГ ГҮЛДАЙИН КЎРКИ

Мен ойнаижохон орқали Юртбошимизнинг ушбу сўзларини тинглар эканман, Чимбойда кечган болалик чоғларим кино ленталаридек кўз олдимдан бирма-бир ўтди. Ҳозир уруш иштирокчилари ҳар овул ё қишлоқда бир, икки ёхуд уч нафар қолди. У пайтлари фронтда қўлидан, оёғидан, кўзидан ажраб келган маҳалладошларим кўп эди. Ҳар гал уларни кўрганимда, ич-ичимдан эзилар эдим. Энг катта орузим барча одамларни тўрт мучаси соғ, бақувват қўриш эди. Бизнинг улғу бобомиз Ажиниёв ҳазратлари:

Бу дунёнинг кўрки — одам боласи, Кўкка етар унинг оху ноласи, — деб ёзган эди бир ярим аср олдин. Ҳақиқатан ҳам, иккинчи жаҳон уруши йилларида миллион-миллион одам-

ларнинг оху ноласи кўкка етди. Нечанча шаҳар қишлоқларнинг кули кўкка совирилди. Қанчалаб одамлар кумурскалардек кўмиб ташланди. Шуларни эслаб ўйланаман: бу дунёнинг гул каби гўзал, нозик, меҳру муруватга муҳтож кўрки инсон эмасми? Шундай! Лекин нега инсонни, инсон кириш пайида бўлади, нафс учун ядро аслаҳасини кўпайтиради? Бу зилдек оғир саволларга мухтарам Президентимиз Хотира майдонидан туриб очик-ойдин жавоблар айтди. Утганларни хотирлаш, тирикларни қадрлаш давлатимиз, жамиятимиз, барчамизнинг инсоний бурчимиз эканини энг самимий сўзлар билан ифода этдилар.

Мен кўпгаб тadbirlарда қатнашман, жойларда бўлиб, инсонлар қалбига қулоқ соламан.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида «Баҳор оҳанглари» деб номланган концерт бўлиб ўтди.

БАҲОР ОҲАНГАРИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу концертда Ўзбекистон халқ артисти Муъяссар Раззоқова ҳамда россиялик машҳур опера хонандаси Маквала Касрашвили ижросидаги қўшиқлар янгради.

Миллий санъатимизнинг турли йўналишлари, жумладан, музика соҳасида эришилган ютуқларни юртимизда ва хорижда тарғиб этиш, бу борадаги халқаро ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш борасида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томони-

дан катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Жамғарма ташаббуси билан қишлоқда ўтказилган «Тошкент баҳори — 2007» халқаро опера ва балет санъати фестивали бўлиб ёрқин мисолдир.

М.Раззоқова нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам ўзбек опера санъатининг ёрқин юлдузи сифатида яхши танилган. Айни пайтда Россия давлат катта театридаги опера труппасига раҳбарлик қиладиган М.Касрашвилининг ижоди кўпгаб давлатларда эътироф этилган.

Концертда жаҳон ва ўзбек бастакорлари музикаий асарларидан намуналар янгради.

Назозат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Инсон ўзинг

Урашувларда, байрамларда ёки таомилдаги кундалик йиғинларда мендан: «Не сабабдан Қорақалпоғистондан биринчи бўлиб айнан биз Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берил-

Ватанини, ўз халқини, истиқболини ўйлаган мамлакатимиз раҳбари биринчи навбатда Мўйноққа борди, у ердаги бирор сония кечтириб бўлмайдиган муаммоларни ҳал этишга раҳнамо бўлдилар. Бугун Мўйноқда балқичлик қайта тикланмоқда. Икки жойдан табиий газ қазиб олинмоқда. Улкан газни тақсимлаш мажмуаси ишга тушди. Междуречьеда сув захираси мўл. Жилтирбосда сув кўпайиб, денгизнинг қуриган ўзанига ўтди. Табиғатимизнинг гўзал гўшаси ҳисобланган Судочьеда сув наботати ва ҳайвоноти қайта жонланмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги Қорақалпоғистон улкан бунёдкорлик ва йирик ижоди ўзгаришлар юртидир. Шу билан бирга, бу замин аҳли, айниқса, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти янада ошиб бормоқда. Биз ахир Беруний ва Боқирғоний, Бердақ ва Ажиниёв авлодларимиз. «Авесто» айнан шу табарук заминда битилган. Энг қадимий расадхоналар — Қўйқирилган қалъа билан Чиллик қўрғонлари ҳам шу ерда. Демак, бу элнинг истиқболи ҳам ёруғ бўлади. Бунга шубҳа қилганлар Устюртда амалга оширилаётган оламшумул ишларни келиб кўрсин.

Онесия САИТОВА, Ўзбекистон Қаҳрамони, Республика Ақушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институти Нукус филиали туғруқ бўлими мудираси.



Ноҳира Исмаилова Наманган шаҳридаги «Қурашхона» маҳалласида истиқомат қилади. Қўлида ҳунари бор — бинойидай чебар. Анданан бунён бўш вақтларида кийим-кечак тикиш билан шуғуллангиси келарди. Бироқ тикканларини бозорга олиб чиқиб сотиш, деган гап ҳам бор. Шу томонини ўйлаб, мўкин бир қарорга келолмай юрганида, «Нотўқимачи» акциядорлик жамиятида қиз-жуванларни касаначилик асосида ишга қабул қилишга тўғри келди.

МЕҲНАТИ — УЙДА, МАОШИ — КОРХОНАДА

— Матони келтириб бериб, тикканларини ўзлари олиб кетишар экан, бу айни мудоао-ку! Уйда ўтириб ишлайман, бу ёқда рўзгор юмушларига ҳам улгураман, — хавлидан ўтказди у.

Корхона маъмурияти Ноҳиранинг аризасини очик юз билан қабул қилди. Шунга ҳам етти ойдан ошган. Чебарлар сафига қўшилгандан бери ҳар ойда хонадонига 15-20 минг сўм қўшимча даромад кириб келаяпти. Унга ҳавас қилиб, қўшни қиз-жуванларнинг қўнчилиги ҳам касаначилар сафига қўшилиши. Жумладан, Муъяссар Абдуллоева, Эътибор Валеева сингари чебарлар корхона бюротидаги асосан, қўлқоп, чопон ва ички кийимларни ўйларда тикиб бериб, хақини вақтида олишяпти.

«Нотўқимачи»да касаначилик изчил йўлга қўйилиши натижа-сида кейинги бир йилда 285 та янги иш ўрни яратилди. Тикувчилик, тўқувчилик юмушларига жалб этилган хонадон бекларининг 30 нафарига «Сибирянка» русумли тикув машинаси берилди: Бошқалари ўзларининг дастгоҳларидан ижара шартномаси асосида фойдаланишмоқда. Дастлабки натижалар чакки эмас. Утган йили улар томонидан 3 миллион 430 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Рўзгор ишлари билан банд бўлиб қолган эркак ва аёлларни ижтимоий фойдаланиш мақсадига жалб этиш тadbirlари туманларда ҳам кенг тус олган. Масалан, Қўздаги «Пахта толаси»

акциядорлик жамияти ва «Сувмет» корхонасида касаначилик асосида 428 киши мўкин иш ўрнига эга бўлди. Уларга тақлиф этилган касалар корхоналар йўналишидан бунгайла бошқача бўлиб, ҳунармандчиликнинг дўпдўпчилик, тикувчилик, пичоқчилик, темирчилик сингари қадимий ва навиқорон турларини ташкил этди. Чўстда эса бу юмушлар қўлидан келмайдиган одамни топиш қийин. Касаначилар

Касаначилик

корхонага ҳам, ўз хонадонларига ҳам бирдай фойда келтиришяпти. Жумладан, «Пахта толаси» уларга етказиб берган 5 миллион 475 минг сўмлик хомашё ҳисобига 28 миллион сўмлик тайёр маҳсулот олди. Касаначи — тўлақонли ишчи билан меҳнатда, ижтимоий имтиёзлардан фойдаланишда тенг ҳуқуққа эга бўлган шахс. У иш берувчи билан шартнома тузган кунданок, меҳнат дафтрасига эга бўлади. Муддати келиши билан таътилга чиқади, тоби қочса, касаллик варақасини расмийлаштирилади. Аксарият корхоналарда масаланинг мазкур жиғига жиддий ёндошилиб, белгиланган дастур ижроси тўлиқ таъминланаяпти. Хусусан, Чортоқ ва Наманган туманларидаги «Пахта толаси» акциядорлик жамиятлари, Тошбулоқдаги «Миришкор» МЧЖ сингари жамоаларда олиб борилаётган ишлар ибратта молик. Аммо қўшимча иш ўрни яратишнинг қулай усу-

лидан етарли фойдалана олмаётган корхоналар ҳам йўқ эмас. Янгиқўрғондаги «Марвел Джус КО» қўшма корхонасида утган йили касаначилик бўйича бирор киши ишга қабул қилинмагани бунга мисолдир.

Лекин, улуман олганда, Наманган вилоятида касаначилик ҳаракатини кенг йўлга қўйиш борасидаги ҳуқумат дастури ижросига маъсулият билан ёндошилмоқда. Шунинг учун ҳам, кўрсаткичлардан кўнғил тўлади. Чўнончи, бултур мазкур йўналишда режада қўзда тутилган 8825 иш ўрнига 9011 иш ўрни яратилди. Касаначилар ишлаб чиқарган маҳсулот 218,4 миллион сўмликни ташкил этди. Пировадидда юмушга жалб этилган одамларнинг ҳар бири ойига ўртача 28,3 минг сўмдан қўшимча даромадга эга бўлди.

Кўришиб турибдики, касаначилик — истиқболли иш. Қолаверса, жойлардаги айрим корхоналарда фойдаланилмай турган дастгоҳ ва усқунларни қўлидан иш келадиган одамларга бериш, шу билан бирга, хонадонни оддийгина дастгоҳ билан таъминлаб, унинг аъзоларини фойдаланиш мақсади билан қанчалик нафли эканлиги ортқича изохчи талаб этмайди. Вилоятда жорий йилда бу ишни изчил давом эттириб, яна 4696 кишига касаначилик мақомини бериш мўлжалланаётгани ҳам шундан.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Ҳукумат қарши чиқмоқчи

Буюк Британия ҳукумати Россия «Газпром»нинг мамлакат энергетика бозоридаги иштироки кенгайишига қарши чиқмоқчи.

Бу ҳақда «The Observer» газетаси ҳукумат вакили берган маълумотга таяниб хабар тарқатди. Айни пайтда «Газпром» мамлакат бўйлаб газ тарқатувчи «Centric» компаниясини сотиб олишга ҳаракат қилмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, «Газпром»нинг Англия энергетика бозо-



ридаги ҳиссаси икки фоизни ташкил этади.


Муҳокамада янги фармон

Украина Конституцион суди мамлакат президенти Виктор Юшченконинг 2 апрелдаги Олий Радани тарқатиб юбориш тўғрисидаги фармонини қўриб чиқишни тўхтатди. Бу ҳақда суд раиси лавозимини вақтинчалик бажарайтган Валерий Пшенчичий маълум қилди. Манбада келтирилишича, айни пайтда мамлакат олий ҳакамлик органи Виктор Юшченконинг 26 апрелдаги фармонини ўрганмоқда. Ушбу фармонда Юшченконинг ўзи биринчи қарорини бекор қилган ва Олий Радани қайтадан тарқатиш ва 24 июнда мударидан илгарти парламент сайловлари ўтказиш кўрсатилган.

Келишувга эришилди

«Terra Firma» хусусий компаниясини Буюк Британиянинг «EMI Group» овоз езиш корпорациясини 3,2 миллиард фунтстерлингга сотиб олмақчи. Манбада келтирилишича, томонлар ушбу олди-сотиб бўйича дастлабки келишувга эришганлар. Унга қўра, мазкур компания акциядорларига 2,4 миллиард фунтстерлинг тўлайди ҳамда қолган 800 миллион доллар «EMI Group» қарзларига йўналтиради.

Украина Конституцион суди мамлакат президенти Виктор Юшченконинг 2 апрелдаги Олий Радани тарқатиб юбориш тўғрисидаги фармонини қўриб чиқишни тўхтатди. Бу ҳақда суд раиси лавозимини вақтинчалик бажарайтган Валерий Пшенчичий маълум қилди. Манбада келтирилишича, айни пайтда мамлакат олий ҳакамлик органи Виктор Юшченконинг 26 апрелдаги фармонини ўрганмоқда. Ушбу фармонда Юшченконинг ўзи биринчи қарорини бекор қилган ва Олий Радани қайтадан тарқатиш ва 24 июнда мударидан илгарти парламент сайловлари ўтказиш кўрсатилган.



Ҳамкорлик ривожланади

Яқин вақт ичида Беларусь Эрондаги конларда нефть ва газ қазиб олишни бошлайди. Мамлакат президенти Александр Лукашенко Эрон раҳбари Махмуд Аҳмадинежод билан Минскда ўтказган музокарадан сўнг бу ҳақда баёнот берди. Икки давлат раҳбари нефть ва газ соҳасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан шартнома имзолашди.

Тинчлик битими имзоланадими?

Ливан армияси фаластинлик жангарилар ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш, тинчлик битими имзолашга тайёр.

«Франс Пресс» ахборот агентлиги мамлакат ҳукумати вакили берган маълумотга таяниб хабар қилишча, ҳозирча ушбу тақлифга фаластинликлар му-

носабат билдиришгани йўқ. Сўнгги икки кунлик отишмалар чоғида 60 дан ортқик одам ҳалок бўлди. Улар орасида тинч аҳоли вакиллари ҳам бор.

Парламент томида портлаш

Ироқ парламенти биноси томига бомба келиб тушди. Маҳаллий матбуот хабарларига қўра, портлаш оқибатида ҳеч ким жароҳатланмаган. Ушбу хунрезлик юз берган пайтда бинода бир неча ҳодимлар бўлган, холос. Сўнгги пайтларда мамлакат парламенти жангарилар нишонига айлиниб бормоқда. 12 апрель куни ҳам Ироқ қонунчилик органи ресторанида портлаш руй берганди. Ушанда саккиз киши ҳалок бўлган ҳамда ўлаб хизматчилар жароҳатланганди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

MANAGEMENT CONSULTING
Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш
ISO 9001, OHSAS 18001, ISO 14001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 22 000), ISO/IEC 27001, AS 9100
Шунингдек, ҳужжатларнинг электрон бошқарув тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатилади.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар адиққатига!
«Крокус Газ Сервис» ҚҚ
(Чкалов номи ТАИЧБ ДАБ)
«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни тақлиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ СНАОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).
Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Россияда ишлаб чиқарилган «АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧANAЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН замонавий электрон газ ўлчагичлари.

«АГАТ» G-16 (соатиға 0,16 м³ дан 25 м³ гача); «АГАТ» G-25 (соатиға 0,25 м³ дан 40 м³ гача); «УБСГ» 001 G-4 (соатиға 0,04 м³ дан 6 м³ гача); «УБСГ» 001 G-6 (соатиға 0,06 м³ дан 10 м³ гача); «УБСГ» 001 G-10 (соатиға 0,1 м³ дан 16 м³ гача).
Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.
Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатиға эға.
Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Sonata NF Santa Fe
New Elantra Tucson
Тел.: 150-00-70. Кафолат — 2 йил. Маҳсулот сертификатланган
www.hyundai-motor.com

Спорт • Sport • Спорт



Халқаро футбол ассоциациялари Федерацияси — FIFA терма жамоаларнинг май ойи учун янги рейтинг жадвали эълон қилди.

Икки қадам олдинга

uff.uz сайтидан олинган маълумотда айтилишича, Ўзбекистон терма жамоаси ўтган ойдаги кўрсаткичдан икки поғона кўтарилиб, 58-ўринда қайд этилган.

бешинчи, МДХ вакиллари орасида эса Украина ва Россиядан кейин учинчи ўринда бормоқда.

Қосимжонов жамоаси чемпион

Сочи шаҳрида жамоалар ўртасида Россия очик чемпионати бўлиб ўтди. Унда дунёнинг кучли гроссмейстерлари жамланган ўн та жамоа иштирок этди.

Мақур нуфузли турнирда ҳамюртимиз, шахмат бўйича собиқ жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов Александр Морозевич, Дмитрий Яковенко (Россия), Сергей Карякин (Украина), Владислав Ткачев (Франция) ва Виорел Бологан (Молдова)лар билан бир жамоада баҳс юритди.

Хал қилувчи тўққизинчи турда Қосимжонов жамоаси Темур Ражабов (Озарбойжон), Алексей Широв (Испания), Владимир Акопян (Армания), Александр Гришук (Россия) сингари кучли шахматчилардан жамланган жамоаси (3,5 : 2,5) мағлубиятга учратиб чемпионлигини қўлга киритди.

Футзалчиларимиз қўтбада учинчи

Японияда футбол бўйича якунланган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси фахрли учинчи ўринни қўлга киритди.




урарлари баҳсида иккинчи ўридан жой олди.

Бош мураббий Шавкат Абдураимов шогирдлари учинчи ўрин учун баҳсда Қирғизистон футболчиларини 5:3 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ҳамюртимиз Абдулла Бўриев ўтказилган учрашуларда 11 та тўп киритиб, чемпионат тўп-

3. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳар йили мамлакатимиздаги элчихоналар ўртасида миллий таомлар фестивалини ўтказиши. Унда ҳар бир элчихона ўз мамлакатини миллий таомларини тайёрлаб, кам таъминланган оилалар, қариюрлар уйларига тарқатишар эди. Бу йилги фестивалдан тушган икки миллион сўмдан зиёд маблағни пойтахтимиздаги 23-Меҳрибонлик уйига беришга қарор қилишди.



Мамлакатимиздаги Ҳиндистон, Туркия, Озарбойжон, Миср, Эрон элчихоналарининг вакиллари билан ушбу меҳрибонлик уйига йўл олди. Унинг оstonасидан ҳатлаб ўтишимиз биланоқ жажжи, беғубор, бир-биридан ширин-шакар болажонлар бизни кутиб олишади. Болажонларнинг аксарияти кучокларимизга отилишади.

— Исинг нима? — дея сўрайди. Озарбойжоннинг юртимиздаги элчихонаси ходими Рамиль Акперов қўлига кўтариб олган қизалоқдан.

— Дилбарман, — дейди овози ёқимтой қизча. — Ёшим тўртда. Сизга бир шезэр айтиб берайми?

Ойжоним айтганини қилмаман, Уларни мен жуда яхши кўраман. Сенга нима берай десанлар, Фақат шокалад беринг дейман.

Дилбарнинг бу шезэрни хиргойи қилганини эшитиб, барчамизнинг кайфиятимиз кўтарилди. Болажонларнинг завқидан шавққа тўлиб,

Мурфак қалълар қувончи

Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчисини жаноб Ранжан Тайалнинг турмуш ўртоғи Кусум Тайал хоним суҳбатга қўшилди.

— Болажонларни барчамиз яхши кўраимиз, — деди у. — Биз элчихона вакиллари таомлар фестивалидан тушган маблағни меҳрибонлик уйига берилиши ҳақидаги қарорни эшитиб,

ча лугатни ёд олаётганига кўзимиз тушди. Унинг келажакдаги орзуси моҳир таржимон бўлиш экан. Мусиқа хонасига киримиз. Унлаб болажонлар «Ватаним менинг» номли кўшиқни ижро этишмоқда. Уларга Туркия элчихонаси ходимаси жўр бўлади.

Меҳрибонлик уйида ўнлаб тўғараклар ишлаб турибди. Моҳир қўллар, рақс, спорт тўғараклари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, ўғил-қизлар истақларига қараб сузиш, бокс, велоспорт, бадий гимнастикага ихтисослашган марказларга бориб шуғулланишмоқда.

— Тарбияланувчиларимизга шундай шарт-шароит яратиб берилганлиги учун Президентимиздан беҳад миннатдоримиз, — дейди С. Рўзимухаммадов. — Бундай бекибс гамжўрлик келгусида болажонларимизнинг истиқлоли ишига муносиб авлод бўлиб етишишига хизмат қилади.

Меҳр

роса қувондик. Бундай тадбирларни ўтказишни барчамиз қўллаб-қувватлаймиз.

Хозир 23-Меҳрибонлик уйида 101 нафар бола тарбияланмоқда. Меҳрибонлик уйи директори Светлана Рўзимухаммадованинг билдиришича, бу масканда ўғил-қизларнинг баркамол инсон бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

Биз яратилган имкониятлар билан танишамиз. Компьютер хонасига кирганимизда, Ботир исмли болақай компьютер ёрдамида инглизча-рус-

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири. Темур ҚҮРБОНБОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ

худудий божхона бошқармаларида ўрнатиладиган дизель генераторларини ҳар хил об-ҳаво шароитидан ҳимоя қилиш мақсадида усти ёпиқ тўрли йиғма модулар харид қилиш бўйича тендер эълон қилади.

Таклифлар 2007 йил 2 июнга қадар қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шоҳқўчаси, 3-уй. Тел.: 120-76-00, ички тел.: 20-27, 26-05.

ТАШКИЛОТ БЎШ (ВАКАНТ) ДАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

БОШ ДИРЕКТОР ЁРДАМЧИСИ

Талаблар:

- маълумоти — олий, жаҳон тиллари университетини тамомлаган бўлса, мақсадга мувофиқ;
- ўзбек, рус ва инглиз тилларини мукаммал билиши;
- «В» категорияли ҳайдовчилик гувоҳномасига эга;
- ёши 30 дан ошмаган бўлиши керак.

Маош — 300 000 сўм ва ундан юқори.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ БЎЙИЧА МУТАХАССИС

Талаблар:

- маълумоти — олий;
- меҳнат стажини — камида 5 йил;
- ўзбек, рус ва инглиз тилларини билиши;
- ёши 40 дан ошмаган бўлиши керак.

Қизиқиш билдирган номзодлар ўзлари ҳақидаги маълумотларни қуйидаги факслар орқали юборишлари мумкин: (998 71) 150-01-11, 150-11-55, 150-54-31. E-mail: chemetgroup@etc.uz

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Акциядорлик тижорат «ALOQABANK»

қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:

«Kommunal plus» омонати, «Sayohat» (путешествие) омонати, «Sog' bo'ling» (будьте здоровы) омонати, «То'уона» (свадебный подарок) омонати. Each section includes details about the loan terms and bank information.

УЛЬЯНОВСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ

«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ

Advertisement for Vostok Rus Avto dealership, featuring images of UAZ vehicles and text describing services and contact information.

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ

Advertisement for Universal Stock Exchange Center, detailing services and contact information.

РОССИЙСКИЙ

Advertisement for Russian Linoleum, featuring images of linoleum products and contact information.

Advertisement for Vasila, featuring text about the company and its products.

Large advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper, including contact information for the editorial office and subscription details.